

Ўзлигингизга қайтинг, ўзбегойимлар (иккинчи мақола)



15:00 / 24.05.2019 3324

Аслида ҳаё қабохатни йўқотиш учун ато этилган хулқдир. Ҳаёли инсонга ҳар ким ҳам журъат қилиб гапира олмайди, унинг қадрини топташга бировнинг ҳадди сиғмайди. Ҳаё – бу мустаҳкам қўрғон бўлиб, ўз соҳибини дунё ва охираат хижолатлигидан ҳимоя қилади. Набий алайҳиссалом: **«Ҳаё фақат яхшилик олиб келади»**, деганлар. Ҳаёли кишининг баъзи айблари ҳам кўзга ташланмайди.

Ҳаё ҳақида гап кетар экан, шу ўринда овқатланиш, ўзини тутиш, сўзлаш ва кулиш одоблари каби муҳим масалаларни ҳам айтиб ўтишимиз лозим.

Қиз боланинг баланд овозда кулиши, бақриб сўзлаши, жамоат жойларида ўзини тута билмай, ҳар хил қилиқлар қилиши ўта хунук ҳолатлар ҳисобланади. Бошини орқага ташлаб, оғзини катта очиб кулаётган қизларга қараб туриб, ойнаи жаҳоннинг салбий таъсирини кўргандек бўламан. Улар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кулгилари фақатгина табассумдан иборат бўлганини билармикин?

Баъзан тантаналар муносабати билан ёзиладиган дастурхон атрофида кузатиб ўтираман: аёлларимиз ўзаро ҳол-аҳвол сўрашгач, овқатланиш билан бирга ғийбатга ҳам киришиб кетишади. Уй эгасининг ҳалол дастурхонида ўтириб, тансиқ таомларга солиб пиширилган ҳалол гўштлар билан қўшиб ўз биродарларининг ҳаром гўштини чунонам туширишадики,

уялиб кетасан киши. Аслида йиғинларга дийдорлашиш умидида борилади, қорин ғамида эмас. Шу нафс уйда ҳам тақдирида ёзилган ризқини еб, ором олади-ку! Қолаверса, нозик хилқат саналмиш аёлларга лунжини тўлдириб таом ейиш ҳам ярашмайди. Бунинг устига, оғзида овқати билан гапириш нафақат бизда, балки бутун дунёда ҳам одобсизлик, тарбиясизлик саналади. Майли, меҳмонга борган аёл ўзи билан бирга ўтирган меҳмонлардан, мезбонлардан уялмасин, лекин Аллоҳдан, ўзидан, ҳолидан уялсин. Биз «Иzzат тиласанг кам де, сиҳҳат тиласанг кам е» деб, бу борада бутун дунёга устоз бўлган зотларнинг авлодимиз ахир!

Энди ҳаё ҳақидаги суҳбатни иккинчи тоифа вакиллари билан давом эттирамиз.

Сизлар, эй бошида рўмоли бўла туриб, қалбида ҳаёси бўлмаган қизлар!

Ижтимоий тармоқдаги саҳифаларига нозланиб, бурилиб тушган суратларини жойлаб, мастуралар шаънига доғ тушириб юрган қизлар!

Аллоҳ фарз қилган ҳолатда юрганини даъво қилиб, аслида шайтоннинг етовида йўрғалаган қизлар, гапимни диққат билан эшитинг!

Билиб қўйинг, Аллоҳ сизларнинг кийимингизга, бу тахлит зўраки ёпинишингизга зор эмас. У Зот фақат ўзингизнинг манфаатингиз, тинч-хотиржам яшашингиз, бадназарлар, ҳирсли қарашлар, разил ўй-фикрлардан ҳимояланишингиз учунгина буни амр қилган. Ҳа, бу илоҳий ҳукм фақат сизнинг фойдангиз учун чиқарилган!

Тор либосларда, сочларни туянинг ўрқачига ўхшатиб турмаклар юришингиз рисоладаги муслиманинг кўринишига асло тўғри келмайди. Бу юриш-туришингиз нафақат ўзингизга, балки гўзал суратингизга маҳлиё бўлиб, кўнгли суст кетган кўчадаги бегона эркакларга ҳам ботмон-ботмон гуноҳни юклаб қўймоқда. Нима қиласиз уларнинг назарига, беҳаё ўйларига нишон бўлиб? Бу чинакам муслима аёлнинг сифатларидан эмас-ку?! Ахир Фотима онамиз розияллоҳу анҳо: *«Аёлларнинг яхшиси бегона эркакларнинг хаёлида бўлмаганидир»*, демаганми эдилар?

Кийиниш маданиятини, жамоат этикетини билмасангиз, одамларнинг фикрини оёқости қилиб, ясан-тусан қилиб кўчага чиқишингиз, ҳатто энг улуг байрамлар – Қуръони карим мусобақаларига ҳам тўйга кетаётгандек яسانيб боришингиз – буларни қайси андозага, қайси қолипга сиғдириш мумкин?

Давлатимиз раҳбарлари ҳам, дин уламолари ҳам сизлардан Бухорий ва Термизийларни, Ибн Сино, Берунийларни кутмоқда. Бир мулоҳаза қилиб кўринг, бу улуғ зотларни дунёга келтирган момоларимизнинг қайси жиҳатларини, қайси хислатларини, қайси фазилатларини сизларга қиёслаш мумкин? Уларни қўятулинг, ўзингизни дунёга келтирган оналарингиз ҳам сизларга ўхшаб кийинмаган, сизга ўхшаб пардоз-андоз қилмаган, кўчадагиларни ўзига қаратмаган бўлса керак?

Шу ўринда дунё ва жаннат аёлларининг саййидаси Фотима розияллоҳу анҳонинг иффату иболари хусусида зарбулмасал бўлган бир ҳикояни эслагим келди.

Фотима розияллоҳу анҳо бетоб бўлиб, ўлим тўшагида ётганларида Асмо бинт Умайс розияллоҳу анҳо у кишини кўргани келдилар. Шунда Фотима розияллоҳу анҳо унга: «Асмо, мен аёлларга қилинадиган нарсани ёқтирмайман. Аёл кишининг устига битта мато ташлаб қўйилади, бу эса уни васф қилиб туради», дедилар (Фотима онамиз ушбу сўзлари билан «Вафот этганимда тобутим эркаклар олдига олиб чиқилиб, уларга менинг жисмим билиниб туришидан ҳаё қиламан», деган маънони ирода қилган эдилар. Чунки ўша вақтда тобутлар текис тахтадан иборат бўлиб, маййит унга ётқизилар, устига эса мато ташлаб қўйилар эди. Бундай тобутда жасаднинг шакли аниқ билиниб турарди). Шунда Асмо розияллоҳу анҳо: «Эй Расулуллоҳнинг қизлари, Ҳабашистонда ўзим кўрган нарсамни сизга (ясаб) кўрсатайми?» деб, хурмонинг ҳўл новдаларидан олиб келишни сўрадилар. Сўнгра уларни букиб, тахтанинг устига ўрнатиб, тобут ясаб кўрсатдилар. Кейин уларнинг устига мато ташладилар. Буни кўргач, Фотима розияллоҳу анҳо: «Қандай яхши, қандай гўзал экан! Аёл киши эркак кишидан ажралиб турар экан», дедилар (чунки бундай тобут жасаднинг шаклини билдирмай турар эди).

Мана сиз ўрناق олишингиз, тақлид қилишингиз лозим бўлган фитрат!

Мана сизга ҳам беқиёс кўрк, ҳам виқор бахш этувчи зийнат!

Мана сизни дунё ва охираш шарафига етакловчи сийрат ва сурат!

Ҳой қизлар, Аллоҳдан ҳаё қилинг: У Зот динимизга эркинлик, илм-маърифатга равнақ бериб турган пайтда нуқсонга йўл қўйишдан ҳаё қилинг!

Ҳой қизлар, Аллоҳдан ҳаё қилинг: мана шу кўринишда бўла туриб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга умматликни даъво қилишдан

ҳаё қилинг!

Одамлардан ҳаё қилинг: фақат бахтиёр маҳрамингизга аталган гўзалликни бегоналарга намойиш қилиб, уларни ҳам гуноҳлар оло-вига ташлашдан ҳаё қилинг!

Ота-онангиздан ҳаё қилинг: минг бир азобда улғайтиргани эвазига гуноҳингизга шерик қилишдан ҳаё қилинг!

Наҳотки ўзбекнинг Ўзбек ойимлари ўтган кунлардагина қолган бўлса?

Наҳотки ўзбекнинг Офтоб ойимларини энди фақат «Ўткан кун-лар»дагина ўқиб танисак?

Наҳотки ибo, назокат, латофат, малоҳат намунаси бўлган Кумушбибилар энди тупроқ остидагина қолган бўлса?

Наҳотки миллатнинг шаъни бўлган момоларимиз эртакларга айланиб қолди?

Ҳаёсизлик маданият ҳисобланиб қолган, уялиш, тортиниш каби асл фазилатлар кулги қилинадиган бизнинг давримизда ифбат ва ҳаё ҳақида ёзиш балки ғалати туюлар... Эҳтимол, болаларда бу хислатни шакллантириш ақл доирасидан ташқари деб баҳоланар, аммо биз бу нарсаларга эътибор қилмаймиз.

Ота-она ўзининг эринчоқлиги боис ёки бошқа сабаблар билан болани телевизор қаршисига «михлаб» қўйиши унинг ҳаё пардалари тирналишига илк қадам ҳисобланади. Биз «мультифилм» деб атайдиган, аслида катталар ҳам кўрса уяладиган сахналарга бой анимациялар ҳали шаклланиб улгурмаган гўдак онгида илк беҳаёлик уруғларини экади.

Сўзим якунида эслатиб ўтаманки, ушбу мақола кимнингдир дилини оғритиш ёки айбаш мақсадида ёзилмади. Балки орамизда учраб турадиган иллатлардан Аллоҳ қодир қилганича бир-биримизни хабардор этиб, ўзаро ислоҳ йўлини тутиш умидида битилди. Мўмин мўминнинг ойнаси экан, айбларимиз устидан ғайридинлар кулмасидан туриб, ўз ичимизда ўзаро бир-биримизни ислоҳ этишни истаймиз. Бундан муслима опа-сингилларимиз тўғри хулоса чиқарадилар, асло ранжимайдилар, деган умиддамиз.

«Қизларжон...» китобидан